

## THE BEGINNING OF ARABIC LEXICOGRAPHY

Abduxakim Abdulaxatovich Aripov

Andijon davlat chet tillar instituti erkin tadqiqotchisi E-mail: aabdulhakim78@gmail.com

**Abstract:** *This thesis examines and analyzes the historical factors that gave impetus to the emergence of Arabic lexicography, the stages of its formation, and the phases of its subsequent development.*

**Keywords:** *literary language, eloquence (balāgha), gharīb al-Qur'ān, gharīb al-ḥadīth, dictionary of meanings.*

### НАЧАЛО АРАБСКОЙ ЛЕКСИКОГРАФИИ

**Аннотация:** *В данном тезисе изучаются и анализируются исторические факторы, послужившие толчком к возникновению арабской лексикографии, этапы её становления и последующего развития.*

**Ключевые слова:** *литературный язык, балāгат (красноречие), гариб аль-Куран, гариб аль-хадис, словарь значений.*

### АРАБ ЛУҒАТШУНОСЛИГИНИНГ БОШЛАНИШИ

**Аннотация:** *Ушбу тезисда араб луғатнавислигининг вужудга келишига туртки берган тарихий омиллар, унигн шаклланиш даврлари, ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотлари ўрганилади ва таҳлил қилинади.*

**Калит сўзлар:** *адабий тил, балоғат, ғариб ал-Қуръон, ғариб ал-ҳадис, маънолар луғати.*

Араб адабий тилининг қайси қабилалар тили асосида шакллангани ҳақида тилшунос олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Жалолиддин Суютий Абу Наср Форобийнинг “ал-Алфоз ва-л-хуруф” китобида араб тили ҳақида келтирган қуйидаги сўзларини нақл қилади: “Қурайш араблар орасида фасохатли, талаффузда тилга энг осон, эшитилиши энг чиройли, дилдаги маънони энг аниқ ифодаловчи сўзларни танлаб олишда энг яхшиси эди. Араб қабилалари орасида араб тили нақл қилинганлар, бу борада иқтидо қилинганлар Қайс, Тамим, Асад қабилалари бўлиб, энг кўп олинган сўзлар шулардандир. Нодир сўзлар, келишик ва туслаш борасида ҳам уларга таянилгандир. Булардан кейин Ҳузайл, Кинона ва Тайнинг баъзиларидир. Булардан бошқа қабилалардан олинмаган”<sup>21</sup>.

Ушбу қабилалар ўзларининг сўзга усталиклари, балоғат-фасохат, воизлик, наср, айниқса, шеърият борасида юксак савияга эга эканликлари билан

мақтанишар, доимо ўзаро беллашишар эди. Одатда жоҳилият араблари ҳар йилнинг ҳаж мавсумида Макка яқинидаги Укоз<sup>22</sup>, Мажанна<sup>23</sup>, Зулмажоз<sup>24</sup> бозорларида йиғилишар, ўзаро маълумот алмашар, шоирлар бир-бирлари билан беллашар эдилар.

Уларни ожиз қолдириш учун Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръони каримни нозил қилди ва балоғат эгаларини беллашувга чорлади. Араблар эса Қуръонга ўхшаган бир дона сура бўлса ҳам ижод қила олмадилар.

Араблар тилларини маданийлашув, ўтроқлашув даврининг илк чоғлариданоқ ўрганишга ҳаракат қилдилар. Араб маданиятининг энг авж палласи бўлган Саодат асридаёқ Пайғамбар (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобаларидан тилга оид бир қанча сўзлар ва ҳукмлар ривоят қилинган.

Тилнинг айрим масалаларига оид китоблар баъзи саҳобалар ва тобиъийларга нисбат берилади. Кейинроқ эса бу борада кўплаб ажойиб китоблар битилдики, араб тилшунослиги дунё халқлари орасида мисли кўрилмаган даражада кўп ва хўп китоблари, тадқиқотларга гувоҳ бўлди<sup>25</sup>. Соҳиб ибн Аббоддан (935-995) ривоят қилинишича, подшоҳлардан бири уни ҳузурига чорлади. Шунда Соҳиб “Менинг ҳузурингизга боришим учун тилга оид барча китобларимни ортишимга 60 та туя керак бўлади” деб жавоб берди<sup>26</sup>.

Араб тилининг таянчи бўлган Қуръони каримни тушунишга бўлган уринишлар натижасида луғатнавислик соҳаси вужудга келди. Ушбу соҳанинг дастлабки куртаги Қуръони каримдаги “ғариб” (камёб, тушуниш қийин бўлган сўзлар)ни изоҳлаш ҳаракати билан бошланган.

Луғатнависликнинг илк уринишлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги “ғариб”<sup>27</sup> сўзлар шарҳи билан бошланган.

Айримлар Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68 ҳиж./668 мил. ёки 69 ёки 70 ҳ.) (р.з.)ни “Ғариб ал-Қуръон” илми асосчиси сифатида кўрсатади. К.Брокелман Абдуллоҳ ибн Аббосга нисбат бериладиган “Ғариб ал-Қуръон” номли китоб Берлин кутубхонасида сақланиши ҳақида маълумот берган<sup>28</sup>.

Араб луғатнавислик илмининг саҳобий Ибн Аббос р.з.га мансублиги ҳақида Ф.Сезгин ҳам ўзининг “Geschichte des arabischen Schrifttums” (“Араб ёзма мероси тарихи”) асарида қайд этади. Сезгинга кўра, Ибн Аббос (р.з.)нинг “Ғариб ал-Қуръон” илмига оид ва йирик тобиъий Ато Ибн Абу Рабоҳ (ваф. 732 й.)

<sup>22</sup> Укоз бозори Ислондан олдинги жоҳилият даврида Арабистон ярим оролидаги энг катта бозор бўлиб, милодий 500 йилларда пайдо бўлган. Тоиф шаҳридан шимол томонга 20 км масофада жойлашган. Укоз (عكاظ) сўзи арабча عكظ сўзидан олинган бўлиб, “фахрланиш, мақтаниш; ғолиб келиш, чекинтириш” маъноларини билдирган ва бу бозорда араблар йиғилиб, ўз қабилалари билан мақтаниш, ўзининг бошқалардан устунигини кўрсатишга ҳаракат қилгани билан изоҳланади (22 ص. 2010. عمان، عكظ). (أحمد أرشد عثمان الخالدي. المدن والآثار الإسلامية في العالم. الطبعة الأولى. عمان، 2010. ص 22).

<sup>23</sup> Мажанна – Укоз каби жоҳилият давридаги арабларнинг учта энг катта бозорнинг иккинчиси. Араблар ҳаж мавсумида Зул-қаъда ойининг дастлабки 20 кун давомида Укозда йиғилганлар. Кейин Мажаннага кўчиб, ойнанинг қолган ўн кунини шу ерда ўтказганлар. Мажанна бозори Маккаи мукарраманинг шимол тарафида, Мадинада йўлида жойлашган.

<sup>24</sup> Зулмажоз – Укоз ва Мажаннадан кейинги энг катта бозор бўлиб, араблар жоҳилият даврида ҳаж мавсумида Зул-ҳижжа ойи бошланиши билан шу ерга келганлар. Бу ерда Зул-ҳижжанинг 8-кунига қадар туриб, сўнг Минога йўл олганлар.

<sup>25</sup> Fischer A. Etymological historical Arabic lexicon. Part I. – Cairo, 1967. – P. 3.

المصطفى. المظهر. 1. ص 2

<sup>27</sup> غريب القرآن муфассир билиши шарт бўлган Қуръон илмлари ва тафсир илми йўналишларидан биридир. غريب القرآن Қуръони каримнинг сўзлари маъносини ўрганиш билан шуғулланади. “Ғариб” сўзи икки жиҳатдан тушуниш мумкин. Биринчиси, “тушунарсиз, маъноси ноаниқ” дегани бўлиб, иккинчиси “узоқда яшовчи араб қабилалари ишлатган, эшитган одамга нотаниш туюладиган сўзлар” деган маънодадир. “Ғариб ал-Қуръон” истилоҳидаги “ғариб” сўзи мана шу иккинчи маънодан олинган. Қаранг: الزياض: عالم الكتب. 1985. ص 8؛ محمد بن إسماعيل الأمير الصنعاني. تفسير غريب القرآن. دمشق – بيروت. 2000. ص 6.

<sup>28</sup> كارل بروكلمان. تاريخ الأدب العربي. الجزء الرابع. ترجمة عبد الحليم النجار من الألمانية إلى العربية. القاهرة: دار المعارف. ص 8

томонидан тартибланган асари мавжуд бўлиб, қўлёзма ҳолида Отиф Афандий кутубхонаси<sup>29</sup>да сақланади<sup>30</sup>. Сезгин Ибн Аббос (р.з.)нинг яна бир луғати ҳақида сўз юритади. У ҳам бўлса, хорижийлар<sup>31</sup> бошлиғи Нофеъ ибн ал-Азрақ (ваф. 685 й.) томонидан йўлланган Қуръони каримдаги 200 та маъноси қийин сўз хусусидаги мактубга жавоб тарзида ёзилган асар бўлиб, бир қатор қўлёзма фондларида қўлёзмалари мавжуд<sup>32</sup>. Афтидан, Брокелман Ибн Аббос (р.з.)га мансуб Сезгин зикр этган Ғариб ал-Қуръонга оид китобнинг Отиф Афандий кутубхонасида ҳам бир нусхаси мавжудлигидан беҳабар бўлган<sup>33</sup>.

Тадқиқотчи Ҳусайн Нассор Ибн Аббос (р.з.)га мансуб деб билинган ва Брокелман тилга олган китоб ҳақида фикр билдираркан, “Менимча, бу китоб Ибн Аббос Қуръони каримнинг ноёб сўзлари тафсири хусусида айтган айрим фикрларни ўз ичига олган бўлса керак. Бу китобни ҳам Ибн Аббос ўзи ёзмаган, балки шу сўзларни ундан ривоят қилган ровийлар ёзган бўлишса керак”, дейди. Бунга Ибн Аббос (р.з.) таржимаи ҳолини ёзган муаллифлардан бирортаси Ибн Аббоснинг бундай асар ёзгани ҳақида маълумот бермаганини далил қилиб келтиради.

Айрим тарихчилар Зайд ибн Алий (ваф. 122 й.)нинг ҳам “Ғариб ал-Қуръон” жанрида китоб ёзганини айтиб ўтганлар<sup>34</sup>. Бироқ китоб бизга қадар етиб келмаган ва Зайд ибн Алийнинг ҳақиқатан ҳам бундай китоб ёзгани ҳақида қатъий маълумот келмаган.

Шу тариқа “Ғариб ал-Қуръон” йўналишида бир қатор асарлар майдонга келди ва араб луғатнавислигининг бош бўғини ўлароқ тараққий этди. Бу борада мустақил асар ёзганлиги кўпчилик тарихчилар томонидан бир овоздан тасдиқланган илк муаллифлардан бири Абу Саъид Абон ибн Тағлиб ал-Жаририй ал-Бакрий (ваф. 759 й.) саналади. Бу эса мазкур илм иккинчи ҳижрий асрнинг биринчи асридан кечикмаган бир даврда китоб шаклига келганини кўрсатади. Бироқ афсуски, Абон ал-Бакрийнинг мазкур китоби бизгача етиб келмаган.

Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг “Муъжам ал-удабо” асарида Абон ал-Бакрий ҳақида маълумот бериб, жумладан шундай дейди: “У (Абон ал-Бакрий) “Ғариб ал-Қуръон” илми борасида бир китоб тасниф қилган ва унда шеърлардан далилларини зикр этган”<sup>35</sup>.

Кейинги даврларда “Ғариб ал-Қуръон” йўналишида яна ўнлаб мўътабар асарлар ёзилди. Манбаларда Абу Файд Муарриж ад-Давсий (ваф. 791 й. ёки 811

29 Atif Efendi Kütüphanesi Истамбулда жойлашган, 1741 йили Отиф мустафо Афанди томонидан қурилган кутубхона. Бу Усмонли давлатида мустақил бинога эга иккинчи кутубхонадир.

30 Фуад Сизкин. تاريخ التراث العربي. الجزء الأول. نقله إلى العربية محمود فهمي حجازي. الرياض 1991. ص 66.

31 Хорижийлар тўртинчи халифа Алий ибн Абу Толиб (ваф. 661 й.) р.з.га қарши чиққан сиёсий гуруҳ. Улар шунингдек, “ҳарурийлар”, “шурот” (сотиб олувчилар) каби номлар билан аталганлар. Қаранг: Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ. – Т., – 260-б.; ص 1999. الموسوعة العربية العالمية. المجلد العاشر. الرياض 1999. ص 171.

32 Фуад Сизкин. ص 67.

33 Отиф Афандий кутубхонасидаги қўлёзмалар феҳристи 1310 х./1893 й.да “دفتر كتيخانه عاطف أفندي” номи билан Истамбулдаги Дор Саодат нашриётида босилган.

34 حسين نصار. المعجم العربي. نشأته وتطوره. الجزء الأول. القاهرة. ص 33.

35 ياقوت الحموي. معجم الأدباء. إرشاد الأريب إلى معرفة الأديب. الجزء الأول. بيروت 1993. ص 38.

й.)нинг ҳам бу борада асар битгани қайд этилган бўлсада, бизга қадар етиб келмаган<sup>36</sup>.

Қуръони каримни тушуниш, теран англаш эҳтиёжи “Ғариб ал-Қуръон” йўналишининг вужудга келишига туртки бўлгани ва ўз навбатида бу илмий ҳаракатлар умуман араб луғатнавислигининг шаклланишига олиб келгани ҳам қайд этилган эди. Худди шу жараённинг мантиқий давоми сифатида ҳадиси шарифларда келган нодир сўзларга бағишланган “Ғариб ал-ҳадис” йўналиши ҳам пайдо бўлди. Лекин ушбу йўналиш Ғариб ал-Қуръондан фарқли ўлароқ бир мунча кеч шаклланди.

Ғариб ал-Қуръон йўналиши ортидан араб луғатнавислигида янги бир жанр вужудга келди. У араб тилидаги ноёб ва кам қўлланган сўзларни шарҳлашга бағишланган бўлиб, “ан-Наводир” деб аталди. Бу йўналишдаги энг қадимги асарлардан Абу Амр ибн ал-Ало ал-Басрий (ваф. 154 й.), Юнус ибн Ҳабиб ад-Даббий (ваф. 182 й.), Қутруб Муҳаммад ибн ал-Мустанир ал-Басрий (ваф. 821 й.) таълиф этган “ан-Наводир” номли асарларни эсга олиш ўринли. Бу луғатлар одатда берилаётган сўзларни бирор мавзуга кўра ёки алифбо тартиби ёки ўзаро боғлиқлик асосида тизимламай, кетма-кет зикр этиш билан хусусиятланади.

Кейинги босқичда тилшунослар от, туя, қушлар, чигиртка, ёмғир, хурмо, қурол, инсон аъзолари, ўсимликлар, экинлар, замонлар номлари ва шу каби муайян мавзуга доир сўзларни мустақил китоб шаклида жамлашга эътибор қаратдилар. Бундай луғатлар “مَعَالِمُ الْمَعَانِي” (Маънолар луғати) деб аталди<sup>37</sup>.

Исломгача бўлган даврда араблар ўқиш-ёзишдан узоқ халқ бўлиб, уларда луғат тузишга бирор зарурат бўлмаган. Ислом келгач эса, одамлар янги истилоҳлар ва тушунарсиз сўзлар маъноси ҳақида сўрай бошладилар. Бу эса, биринчи навбатда оғзаки тарзда бўлса-да луғатнавислик анъанасининг юзага келишига туртки бўлди. Араб луғатчилиги, гарчи энг биринчи бўлиб вужудга келмаган бўлса-да, бу борада олиб борилган ишларнинг улканлиги, самарадорлиги, ҳам сони, ҳам сифати жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгаллади (айрим тилшуносларга кўра, Хитой тилидан кейин иккинчи ўринда).

Шундай қилиб, араб тили сўз бойлигини йиғиш, тартибга солиш ва уларнинг маъноларини аниқлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва юзлаб луғатлар, сўзликлар вужудга келди.

<sup>36</sup> حسين نصار. المعجم العربي. نشأته وتطوره. الجزء الأول. القاهرة. ص 40.  
<sup>37</sup> أحمد بن عبد الله الباتلي. المعجم اللغوية وطرق ترتيبها. الرياض 1412 هـ. ص 15.